

Кишлок ХАЖИКАТИ

1990 йил 4 декабрь

СЕШАНБА

№ 276 (5.069)

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади

Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади

Баҳоси 3 тийин

ДЕҲҚОНЧИЛИК АХБОРОТИ

АМУДАРЕ

ҚАРШИ

«Коммунизм» жамоа хўжалиги пахтакорлари бу йил ҳар қачонгидан мўл ҳосил олдиди. Мавжуд 1.314 гектар майдондан 3.250 тонна оқ олтин саранжомланди. Омон Отабоев, Мурод Тўраев бошқиларда бригадаларда режа 115—120 фоиз урдилади. Нурилло Холмев, Бозорбой Отажонов, Худойёр Алимуродов сингари механик-ҳайдовчилар агрегат бункеридан 170—180 тоннадан хирмон уйишти. Ҳозирча Авазбоева, Гулустон Хидирбоева, Зулфия Юсупова каби чеварлар эса 6—8 тоннадан пахта тердилар.

Айни пайтда хўжаликда ериш шугорлаш, маҳаллий ўғит ташиб чиқариш қизғин.

Х. ОТАМУРОДОВ.
ОХУНБОБОВ

Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари Ўрганаали Мадамуров раҳбарлик қилаётган Ленин номи жамоа хўжалиги заршунослари пахта тайёрлаш режасини 7 октябрда урдилади. Давлатта 5.680 тонна дурдона сотилди. Тармоқдан 5 миллион сўмдан ортиқ даромад олинган қўланмоқда.

Хўжаликда ҳосилдан бўшган майдонлар шугорлашиб, яхобта тайёрланмоқда. 12 ҳайдов трактори ёрдамида кунига 60—65 гектар ер белгиланган чуқурликда сифатли ағдарилантилди. Ҳар кун далага 250—300 тоннагача маҳаллий ўғит ташиб чиқарилаётган. Ойди Мадрохимов, Холқ Каримов, Ғани Ахмедов бошқиларда бригадаларда бу юмушлар жадал амалга оширилмоқда.

Х. ОРИПОВ.
ЛЕНИН РАЙОНИ

«Ўзбекистон» жамоа хўжаликда бир неча йилдан бери пахтачиликда яхши натижаларга эришилмоқда. Бунда бошқарув раиси Умаржон Тожибоевнинг тажрибаси, таъкилотчиликни қўл келмоқда. Жорий йилда меҳнат аҳли 773 гектар майдонда «Андижон-3» навнини қадаб, юқори ҳосил еттиштирди. Жами 2.470 тонна оқ олтин тайёрланди. Ҳозир қишқи тадбирлар оби-тобида ўтказилмоқда. Мирқобил Жамолов, Ғулом Мамадиев каби механикаторлар кунига 6—7 гектар майдонни сифатли шугорлаштиради.

У. МУҲАМЕДОВ.

ПОП

«Найман» давлат хўжалиги ерларида шугорлаш тугалланди. Ишчи пушта ташкил этилиши, ўзаро мусобақани ошириш йўлига қўйиш шунга имкон берди. Мурод Яхьянов, Солиқ Махмудов, Абдукарим Турдалиев, Аҳмадали Алмазов сингари механикаторларнинг ҳар бири 80—100 гектар майдонни ҳайдади.

Р. ҚУРБОНОВ.

У. БЕКМУРОДОВ.

АНДИЖОНЛИКЛАР ЎЗ ТАЖРИБАЛАРИНИ ЎРТОҚЛАШДИ

3 декабрь кунин Андижонда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, галлаш ва сақлаш, шунингдек бу маҳсулот билан аҳолини таъминлаш масалалари юзасидан жумҳурият семинари бўлиб ўтди. Семинар «Плодоовощпром» вилоят ишлаб чиқариш бirlашмаси ва вилоят матбуот жамаиати негизда ўтди. Семинарда вилоят партия комитетларининг деҳқончилик шўъбаси билан шугулланувчи котиблари, «Плодоовощпром» вилоят бirlашмаларининг раҳбарлари ва мутахассислари, вилоятлар деҳқончилик-санаят комплексларининг ва матбуот кооперациясининг раислари, деҳқончилик соҳасининг олимлари иштирок этишти.

Семинар иштирокчилари бир қанча ноҳиялар ва вилоят марказидан тайёрлов таъкилотлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш билан шугулланувчи корхоналар иши билан танишдилар. Шунингдек, улар тайёрлов таъкилотлари билан шартнома асосида ўз уйларида сабзавот, мева, узум, полиз маҳсулотларини анъанавий ҳалқ усулида сақлаш ташаббуси билан чиққан қишлоқ аҳолисининг томоқларидан бўлиди.

Семинар иштирокчилари ҳузурида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби А. И. Икромов нутқ сўзлади.

(ЎЗАТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XXII СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА:

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг иккинчи босқичи 1990 йил 7 декабрь кунин соат 10.00 да Санъат саройида очилишнинг матбуот қилиди.

Съезд делегатлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлисида 3 декабрь кунин соат 9.00 дан 17.00 гача ва шу йил 6 декабрь кунин 14.00 дан 19.00 гача рўйхатта олинади.

ХАЛҚАРО ЭКИПАЖ ПАРВОЗИ

ТАСС хабар қилади

«СОЮЗ ТМ-11» ФАЗОВИЙ КЕМАСИ УЧИРИЛДИ

1990 йил 2 декабрь кунин Москва вақти билан соат 11 дан 13 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз ТМ-11» фазовий кемаси учирилди.

Кема экипажи таркиби командир Виктор Афанасьев, бортинженер Совет Иттифоқи Қахрамони, ССЖИ Фазогир учувчиси Муса Манаров ва Япония фуқароси журналист Тохиро Акиямадан иборат.

Парвоз режаси «Союз ТМ-11» кемасини учувчи бошқарадиган «Мир» орбитал комплекси билан туташтиришни ҳамда унда еттикчи асосий экспедиция экипажи — фазогирлар Геннадий Манаков ва Геннадий Стрекалов билан биргаликда иш олиб боришни кўзда тутди.

«Союз ТМ-11» кемасининг барча системалари бекуқсон ишламоқда. Виктор Афанасьев, Муса Манаров ва Тохиро Акияма ўзларини яхши ҳис этишмоқда.

Фазовий аппаратларнинг туташтирилиши 4 декабрь кунинга белгиланган.

Виктор Михайлович АФАНАСЬЕВ

Виктор Михайлович Афанасьев 1948 йил 31 декабрда Брянскда туғилган.

1970 йилда у А. Ф. Мясников номи Қизил Байроқ орденли Качинск учувчилар олий ҳарбий авиация билим юртини тугатди. Ҳарбий-ҳаво кучларида учувчи, кейинроқ синовчи-учувчи бўлиб хизмат қилди. Учун аппаратларнинг 40 дан зиёд турини ўзлаштирган. «1-класс ҳарбий учувчи» ва «1-класс синовчи-учувчи» малакаларига эга.

В. М. Афанасьев — 1971 йилдан КПСС аъзоси.

1980 йилда асосий ишдан ажралмаган ҳолда Серго Оржоникиде номи Москва авиация илмгоҳини тугатди. Коинотта учинга 1985 йилдан тайёрлана бошлади. «Союз ТМ» кемасида ва «Мир» орбитал станциясида парвозларга тайёргарлик тўла курсидан ўтди.

Тохиро АКЯМА

Япония фуқароси Тохиро Акияма 1942 йил 22 июнда Токиода туғилган.

1966 йилда Токиодаги халқаро ҳарбий дорилфунунини тугатгандан кейин Япониядаги Ти-би-эс телевизион корпорациясида ишламоқда. Ҳозир у — халқаро янгиликлар программасининг катта муҳаррири ва шарҳловчиси.

Тохиро Акияма мухбир сифатида парвозларда қатнашиш учун Япония ҳарбий-ҳаво кучларининг қирувчи самолётларида тайёргарлик кўрди.

1989 йил октябр ойида Ю. А. Гагарин номи фазогирларни тайёрлаш марказида машқ қила бошлади.

«Союз ТМ» кемаларида ва «Мир» орбитал комплексидан парвоз қилишга тайёргарлик курсидан ўтди.

Муса Хиромонович МАНАРОВ

Совет Иттифоқи Қахрамони, ССЖИ фазогир-учувчиси Муса Хиромонович Манаров 1951 йил 22 мартда Боку шаҳрида туғилган.

1974 йилда Серго Оржоникиде номи Москва авиация илмгоҳини тугатгандан кейин «Энергия» илмий-ишлаб чиқариш бirlашмасида ишлади. Ҳазининг билимдон ва ташаббускор мутахассис эканлигини кўрсатди. «Мир» орбитал комплекси парвозини бошқаришда ўрин алмашиб ишлайдиган учун раҳбар сифатида иштирок этган.

М. Х. Манаров — 1980 йилдан КПСС аъзоси.

Фазогирлар отрядига 1978 йилда киритилган. 1978—1988 йилларда Муса Хиромонович «Мир» станциясида учинчи асосий экспедициянинг бортинженери сифатида фазовий парвозда бўлган. Бу парвоз рекорд муддат — 366 кеча-кундуз давом этган. Унга «2-класс фазогир» малакаси берилган. М. Х. Манаров — РСФСЖ халқ депутатидир.

Халқ партияси, қайта қуриш партияси бўлсин

КПСС Марказий Комитети Бош Котиби, ССЖИ Президенти М. С. Горбачев 29 ноябрь кунин XXVIII Москва шаҳар партия ташкилотининг конференциясида нутқ сўзлаганили илгари хабар қилинган эди.

Пойтахт партия ташкилотларида ва меҳнат жамоаларида рўй бераётган воқеалар мамлакат турмуши учун, КПСС учун жуда катта аҳамиятга эгадир, деди у. Нутқларда принципиал ва ишчанлик намоён бўлаётганлиги меҳнат маъқул бўлмоқда. Москва коммунистларининг ҳозирги конференцияси партия сафларининг соғломлашуви, жипслашуви жараёни кучайиб бораётганидан дарак бермоқда.

Тўғри, ёрликларни ишлатишга уринишлар, даҳнаки жангта қиришни ҳавфи бўлди, бироқ ҳар ҳолда партиянинг гурунг давом этмоқда.

Сизлар Марказий Комитет шайинга ва шахсан меннинг шайинга айтган ҳамма гапларини қабул этман. Конференциянинг пойтахт партия ташкилотини фаоллаштириш ҳамда мавқени ошириш кайфиятини қўллаб-қувватлайман. Бу фаоллик ва мавқе Москва ва бутун мамлакат бошидан кечираётган масъулиятли бўлиши пайтига монандир. Маърузадаги таъкилотларга, ҳаракат дастури доирасидаги кўп нарсалар Марказий Комитетнинг диққатига сазовордир. Ҳали ҳамма нарсани обдон ўйлаб қуриш лозим, аммо мен коммунистлар КПСС, шу жумладан Москва партия ташкилотини тушиб қолган гангши ҳолатини узиш-кесил бартараф этиб, мушофа ҳолатидан чиқишга азму қарор берганликларини ўзим учун қайд этиб қўйдим. Қоқоликни бартараф этиш лозим, чунки биз пешқадамлик мавқеида турганимиз керак, гўё биз парламент партияси, қандайдир сиёсий кўчлар, қўчқочар учурашувлар, анжуманлар партияси бўлишга керак, деган фикрга ҳеч қачон қўшилмайман. Биз жид-

да бергандек ўзгармай қолган бўлса ҳам, аммо партиявий таъсир, унинг ўрни, унинг вазифалари ўзгарди. Агар биз бошлангич партия ташкилотларини камол топтириш ҳақида гамхўрлик қилмасан, пешқадам сиёсий куч тарзида самарали ҳаракат қила олмаймиз. Энг муҳими — мана шу, партия кучайиб боришига эришишни калити ҳам мана шу. Бу ерда қандай масалалар, ҳатто партия ички турмушининг жуда аниқ масаласи муҳокама қилинмаётган бўлмасин, биз унга партиядаги ва умуман мамлакатдаги ҳозирги вазият нуктаи назарини қараймиз. Сиз билан бизнинг фикримиз битта. Ўттиш даври — бир лагерьдан иккинчи лагерьга сайр қилиш эмас. Бу — жамиятнинг бир сифатидан, турмушининг бир тариқдан бошқасига ўтишдир, бу эса уч миллион қишдан, юз халқдан иборат бўлган жуда катта хўжалик, маддифага, таъкил иқтисодий масъулиятга эга бўлган жамиятга жуда мушкул вазифадир. Эҳтимол, XX асрдангиз энг қийин вазифадир. Бу жаҳон сиёсатининг марказий нуктаси деса бўлади. Бизда рўй берадиган воқеалар, биз бунёд этадиган нарсалар кўп жиҳатдан мамлакатимизнинг таъдиригига эмас, шу билан бирга Европадаги ва бутун дундаги воқеаларнинг боришини ҳам белгилла беради.

Турмушининг турли жиҳатларига тааллуқли муаммолар ва можааролар бизга қанчаллик «таъкил ўтказмасин», биз қайси ишни қилаётганимизни эсда тутишимиз керак. Коммунистларнинг асосий мақсадларини унуттишга ҳақлари йўқ, агар мақсадларини унутиб қўйсан, янгилик кетамиз.

Аммо аҳвол жуда кескинлашди. Қандайдир муаммолар ҳам, миллиятлараро муносабатлардаги можааролар ҳам, қонуларни писанд қилмаслик ҳам, «қонулар жанги» ҳам шу жумладан кирди. Ҳокимият нима учун фалаж бўлиб қолди, бунинг сабаби нимада? Биз Россия съезидида ҳам, КПСС XXVIII

НУКУСДА КЕНГАШ

Нукусда бўлиб ўтган кенгашда Қорақалпоғистон давлат мустақиллиги муаммолари муҳокама қилинди.

Унда ССЖИ, Ўзбекистон ССЖ ва Қорақалпоғистон МССЖ халқ депутатлари, вилоят партия комитети бюросининг аъзолари, шаҳар, район партия комитетларининг биринчи котиблари, Қорақалпоғистон МССЖ Олий Кенгаши ва Вазирлар Кенгаши раёсатларининг аъзолари, халқ депутатлари шаҳар ва район кенгашларининг ва уларнинг ижроия комитетларининг раислари, вазирлар, фан, маданият, халқ таълими, иқтисодий уюшмалар жамоат ташкилотлари вакиллари, уруш ва меҳнат ветеранлари қатнашдилар.

Кенгашда Ўзбекистон ССЖ Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов нутқ сўзлади.

У сўнги вақтда зиёлиларнинг, партия, кенгаш фаолларининг муайян қисми орасида Қорақалпоғистон МССЖ Олий Кенгаши давлат мустақиллиги тўғрисида декларация қабул қилиши зарур, деган фикр вужудга келганлигини таъкидлаб ўтди. Президент Қорақалпоғистоннинг янги ҳуқуқий негизга асосланган давлат суверенитети тўғрисидаги қонун қўллаб-қувватлади. Айни пайтда у Қорақалпоғистон жумҳуриясини суверен, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустақил давлат деб эълон қилиш, унда яшовчи кўп миллатли барча аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий, фаровонлиги янада қосқилишга ҳизмат қилиши лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Қорақалпоғистон тарихан таркиб топан шартонини, мустақил иқтисодий ва маданий алоқаларни, халқлар дўстлиги ва биродарлигининг анъанавий ришталарини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССЖ таркибидан қилиш лозим.

Янги шартон Ўзбекистон ССЖ билан Қорақалпоғистон

жумҳурияти ўртасидаги муносабатлар шартномалар ҳамда битимлар билан бошқарилишини таъқозо этади. Бунинг учун тенг ҳуқуқли икки қардош жумҳуриятнинг ўзаро муносабатларининг аниқ мақсадларини икки томонлама асосда ишлаб чиқа оладиган ваколатли комиссияни тузиш зарур. Президент Ўзбекистон ССЖ аввалгидек бундан буён ҳам ССЖ Иттифоқида ва ташқи алоқаларда Қорақалпоғистоннинг манфаатларини ҳимоя қилишини алоҳида таъкидлади. Бу манфаатлар — шакл-шубҳасиз ҳисоб Қорақалпоғистон вакиллари иштирокида ҳимоя қилинади. Бу янги Иттифоқ шартномасини имзолашга ҳам тааллуқлидир.

Қорақалпоғистоннинг ҳудудий аҳлиёлигини сақлаб қолтиш, қонун чиқариш, иқроичи ва суд ҳокимиятини амалга оширишда ихтиёрий равишда Ўзбекистон ССЖ, ССЖИга бериладиган ваколатлардан ташқари мустақиллик берилиши зарурлиги таъкидланди. Ер, ер ости бойликлари, барча ресурслар, миллий бойликлар фақат Қорақалпоғистонда яшовчи халқларнинг мулкидир.

Кенгашда Қорақалпоғистон МССЖнинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги масалаларга бағишлаб Нукусда ва районларда партия-совет фаолларининг йиғилишлари ўтказилганлиги айтилди. Бу йиғилишларда иштирок этган кишиларнинг аксарияти вилоят партия комитети бюросининг Ўзбекистон ССЖ таркибидан Қорақалпоғистон мустақиллиги тўғрисида декларация қабул қилиш фикрини қўллаб-қувватлади.

И. А. Каримов кенгаш қатнашчиларининг қўллаб-қувватлашга жавоб қайтарди. Кенгашдан сўнг Ўзбекистон Президенти «Орол ва Амударёни ҳимоя қилиш уюшмаси» аъзолари, уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашди.

(ЎЗАТАГ).

(Давоми учинчи бетда).

Устав ва ҳаракат
гастури лойиҳалари

КОММУНИСТ НУЖУТАИ НАЗАРИДА

ПАРТИЯ ҲУЖЖАТЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШДА БУКА РАЙОНИДАГИ ЖАМИ 95 ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ, 2150 ДАН ЗИЁД КОММУНИСТ ИШТИРОК ЭТДИ

ОЗ СУЗЛА, КҮП ИШЛА
У. ЖҲРАЕВ,
район партия қўмитаси мафкура бўлимининг mudiri.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Устави ва Ҳаракат дастури лойиҳалари бўла-ликларда катта қизиқиш уйғотди. Ҳозир муҳим аҳамиятга эга бўлиб кетди, дейиш мумкин: ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг вакиллари умуман лойиҳаларни қўллаб-қувватлаб, диққатга сазовор ўзгаришлар ва қўшимчаларни тақдир этдилар, етилган муаммолар ҳақида дард билан гапирди, қўйилган лойиҳаларни енгил ўтиш йўли-йўриқлари ҳусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Одамларнинг турмуш шартини, моддий фаровонлик даражаси қаноатлантирилмапти. Улар ўз ўтиш-лошларини таъкид қилишга, мамлакатимиз тарихидаги иллатларини очига берилиб кетиб, ҳозирги ва эртанги кун, доллар вази-фадар ҳақида етарли ғамхўрлик кўрсатмаётган раҳбарларни қаттиқ танқид қилдилар. Гап-донлик авжига чиқмоқда, аниқ ишлар эса кўринмапти. Тўғриси, оддий халқ ҳаётида ўзгаришлар бўлмапти.

Лойиҳаларни муҳокама қилишга бағишлан-ган партия йиғилишларида асарият чиқиш-лардаги фикрлар хилма-хиллиги, баъзан эса зиддиятга бўлганлиги қарамай, асосий мақсад сезилиб турди: партия интизомини му-стаҳкамлаш, унинг омма ўртасидан обрўсини кўтариш, районини иқтисодий-иқтисодий ривож-лантириш жараёнидаги, барча табақала-ри аҳолининг турмуш шартини яхшилаш лозим, деган ният ҳамма нутқларга ҳос бўл-ди. Бунга эришиш учун имкониятлар бор. БУКА райони 1990 йил режаларини энг му-ҳим кўрсаткичлар бўйича олд этди. Масалан, 54 минг ўринга 59 минг тонна пахта топи-ришди. Ҳосилининг 82 фоизи машиналарда йиғилтириб олинди. Сазовот, мева, полиз маҳсулотларини тайёрлаб топириқлари оши-риб бажарилди. Янама ва давлат хўжалик-ларининг даромадлари орди.

Ҳамза номли колхоз пешқадамлар сафида бормоқда. Яқинда мен ана шу ерда оқиз пар-тия йиғилишида иштирок этдим. Хўжалик партия ташкилоти ўз атрофида 126 нафар коммунистни бirlаштирган. Йиғилишга ўн-лаб партиячилар ҳам келишди. Мулоҳазасиз айтиш мумкинки, йилни нойсхотда жонли ўтди. Устав ва Ҳаракат дастури лойиҳаларининг у ёки бу қондалари юзасидан тортишувлар бўлди, турли нуқтага назар илгари сурилди. Пировадига мазкур ҳужжатлар умуман маъ-нуданли. Менга бошқа ташкилотларнинг пар-тия йиғилишларида ҳам қатнашишга тўғри келди.

Агар илгари сурилган тақлиф ва қўшимча-ларни умумлаштиридан бўлса, улар қўйи-дагилардан иборат:

Қўнчилик коммунистлар Устав лойиҳасида бошланғич ташкилотларнинг ҳаракат доираси хаддан ташқари тартибга солиналган, нима ишлар қилиши зарурлиги белгилаб қўйилган-га қарши чиқилар. Ҳаммага маълумки, керагидан ортиқча «қўнчилик» мустақиллик-ни тораитиради, иккундай фаолият ва изланиш учун имконият бермайди, бусиз эса, ҳақиқий партиявий ишчи тасаввур эттиш қийин. Гап партиянинг асоси ҳақида бораётганини унут-маслигимиз лозим. Қўнчилик «чўча юк», яъни коммунист бир вақтинч ўзид партия-нинг уч раҳбар органига сайланиши мумкин-лигига қаршидир. КПСС аъзоси қанчалик қо-биялти ва гайратли бўлмасин, бу қадар кўп вазифани ундашга қодир эмас, деб ҳисоб-лашапти. Айни пайтда партиявий ишда фаол-сиз вакил бўлишга барҳам бериш зарур. «Ўз иккундай билан партиядан чиқиб кетган шахс КПСС сафига яна қабул қилиниши мумкин эмас» деган қондални Уставга ёзиб қўйиш қатъий тақлиф этилди. Коммунистларни вақ-ти-вақти билан аттестациядан ўтказиш ҳақи-даги қонда ҳам кўп жойда қўллаб-қувватлан-мади. Партияд бўлиш учун унинг Устави ва Ҳаракат дастурига қатъий риоя қилиш қиёф эмасми?

Райондаги 95 та партия ташкилотининг барчасида йиғилишлар бўлиб ўтди. Уларда 250 дан ортиқ коммунист, юздан зиёд пар-тиясиз сузга чиқди.

ИЖРАЧИ ЕРДАМГА МУҲТОЖ
А. ГАФФОРОВ,
«Кўкорол» давлат хўжалиги ижарачиси.

Шу йил май ойида Кремлда М. С. Горба-чевнинг мамлакат ижарачилари билан бўлган учрашувда мен суз олиб, хусусан қўйидаги-ларни таъкидлаган эдим: Ниҳоят одамлар ижара ҳаммага — деҳқонларга ҳам, хўжалик-ка ҳам фойда келтиришини тушуниб етилди. Бироқ нима учун бу усул қийинчилик билан ўзига йўл очмоқда? Шунинг учунки, ишнинг ана шу шакли ўз моҳиятига кўра деҳқоннинг тўла мустақил бўлишини талаб этади: ер бе-рилиб, шартлар келишиб олиними, бўёғига аралашманг! Бизга тез-тез комиссиялар келиб туради, қанча ер пахтага ажратилган, нима учун бошқа экинларга кўп ер қолдирилган, деб ҳоли-жонимизга қўйишмайди. Хулоса шу-

ларди. Биз ана шу йўналишда амалий қадам-лар қўйишга уриниб кўрдик. 1991 йилда 100 гектар ерни ижарага оламиз. Ишончимиз қо-мили, айнан мана шунча ҳажмдаги майдон ижарачига кенг имкониятлар, салмоқли сама-ра келтиради. 70 гектарда ғўза ўстирамиз, қолган майдонда эса беда ва сазовот еттиши-рамиз. Ҳозирги пайтда давлат хўжалигини би-лан у ёки бу маҳсулотини топириш ҳажмла-рини белгилашимиз, бошқа шартларни ишлаб чиқоламиз. Далаларда тайёргарлик ишлари авж олдириб юборилди. Ижара жамоамиз 7 кишига етди. Шунга мувофиқ равишда тех-ника воситалари ҳам ортади.

БИЗНИ НИМА
ТАШВИШЛАНТИРМОҚДА?
Ю. ТҲРАҚУЛОВА,
тикувчилик фабрикаси партия ташкилотининг котиби, тикувчи.

Устав ва Ҳаракат дастури лойиҳалари пар-тия йиғилишида кўзгичан баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Сузга чиққан ўртоқлар бу ҳуж-

жароғи ҳамда уларнинг фаолиятини тўх-татиш тартиби ҳақида фикр юритилган VII ва VIII бобларнинг умуман кераги йўқ, деб ҳисоблаймиз. Тўшқуликка олиб борадиган гапларга ўрин берилмаслигини керак. Чўнқи коммунистлар партия марказий органлари фаолиятини тўхтатиш ҳақидаги фикрни ҳаёл-ларига ҳам келтираётганлари йўқ.

ҲАР КИМ ЎЗ УРНИДА
БЎЛГАНИ ЯХШИ

Э. ЖҲРАЕВ,
халқ депутатлари район Кенгаши раисининг ўринбосари.

Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат да-стури лойиҳасини ўқиб анжаман, очиги шундай фикр пайдо бўлди: барча саяй-ҳаракат давлат ҳокимиятини қўлдан чиқариб юбормасликка интилишдан бошқа нарсаси эмасми? Муҳокама-га қўйилган дастурдан шу нарсани аниқ кўриш-тиришди, партия ўз хоҳиш-иродаси, ишти-ри билан бошқа органлар тасарруфига, масъулиятга топириб қўйдиган бирон-бир

да лойиҳанинг муқаддасида баён этилган хулоса билан йўнча чиқарилади. Унда айти-лишча, Ўзбекистон Коммунистик партияси жумҳуриятни ривожлантиришнинг ўзи тақлиф этган ва давлат ҳокимияти органлари қабул этган дастури учун тўла масъулиятни ўз зим-масига олади. Айни пайтда у ўз нуқтаи наза-рига эга бўлиш, ҳам қонун чиқарувчи, ҳам ижрочи-бошқарувчи ҳокимиятнинг фаолияти-ни, улар қабул этган ва одамларнинг ҳаётини манфаатларига бевосита дахлдор бўлган сиё-сий ҳамада бошқа қарорларни танқидий баҳо-лаш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолмоқчи. Булар бир-бирига зид фикрлардир. Шунинг учун ҳам муқаддимадаги қондални олиб ташлаш ке-рак. Ўрнига «Коммунистик партия давлат ва партия ҳокимиятини бир қўлда жамлаб ту-ришга қатъий қаршидир» деган фикр ёзиб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Лойиҳа устидиги ишчи давом эттириш, на-жикни зиддиятлар, чалкашликларни йўқотиш керак, деб ҳисоблайман. Шундай қилиш за-рури. Ҳаракат дастури ўз мунозарасига кў-ра партияга нисбатан йўқотишган ишончини яна тиклашга, халқ ҳокимиятини чинакам эгаларига, Советларга олиб бериш муқаррар-лигига ишонтиришга ёрдам берсин.

ҲАМКОРЛИККА ТАЙЕРМИЗ
О. ҚҮЛНАЗАРОВ,
район «Пахтакорлар овози» рўзномаси партия турмуш бўлимининг mudiri.

Ҳаракат дастури лойиҳасида шундай де-йилган: «Ўзбекистон Компартияси Матбуот тўғрисидаги қонунга мувофиқ ўзининг омма-вий ахборот воситалари билан ҳамжиҳатлиги-ни таъминлаштириш боради. Биз матбуот, телекўрсатув ва радио эшитишнинг идоралари-нинг фаолиятини бузишга кейин ҳам демокра-тиллаш, хилма-хил фикр ва мулоҳазаларни еритиш, айни вақтда эълон қилинётган мақо-лалар ҳамда эшитиришларнинг мазмунини, ҳақиқонийлигини учун журналистларнинг масъ-улиятини ошириш тарафдоримиз». Суз йўқ, жуда керакли фикр, у бизни илҳомлантиради, миннатдорчилик билдиришга ундайди.

Бироқ ахшилаб ўйлаб қўрайлик. Ҳозирги пайтда рўзномаларнинг моддий-техника база-си қай аҳволда? У фан-техника тараққиёт-нинг замонавий талабларига жавоб берадими? Мулақо. Шундай хулоса чиқарарканман, мен аввало район рўзномаларини кўзга тутати-ман. Уларнинг асарияти ноқор аҳволда. Жур-налистларга юксак талаблар қўйиш билан бир-га уларнинг меҳнат ва турмуш шартларини ҳақида чинакамига ғамхўрлик кўрсатишнинг, маънавийлик базасини мустаҳкамлашга ёрдам берилиши лозим. Агар юқорида тилга олиб ўтилган модда «Оммавий ахборот воситалари-нинг, энг аввало район рўзномаларининг мод-дий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш учун маблағлар излаб топи-лаш» деган жумла билан тўлдирилса, айни мўддао бўлади. Ана ўшанда ҳақиқий ҳам-корлик қилиш, баҳамжиҳат ишлаш мумкин.

ХОТИМА ЎРНИДА. Партия партия қўмитаси ва бошланғич партия ташки-лотларида Устав ҳамда Ҳаракат дастури лойиҳаларининг муҳокамаси, ана шу жа-райида авж олган баҳс-мунозаралар, торти-шувлар ҳам коммунистларнинг, ҳам партиячиларнинг сиёсий ва меҳнат фа-оллигини оширишга ёрдам берди, район ҳаётининг етилган муаммоларни юзасидан эркин ва ошқора фикрлар айтилди, деб ҳисоблашмоқда. Шубҳа йўқки, райком муҳокама якунларини умумлаштирилган-дан кейин сиёсий ишнинг янги, яна-да таъсирчан усулларини белгилаб олди учун, ҳозирги шартларда партиявий таъсирчан қўлайчилик учун тегишли ху-лосалар чиқариб олади.

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мух-бирлари Н. АҲМЕТОВ ва В. НИКУ-ЛИН тайёрлашди.

ҚИЗГИН БАҲС ВА МУНОЗАРАЛАР

Жумҳуриятимиз тарихида биринчи марта Ўзбекистон Ком-мунистик партиясининг Устави ва Ҳаракат дастури лойиҳалари-нинг умумхалқ муҳокамаси қўйилганлиги ўз навбатида қиз-гин мунозараларга сабаб бўлмоқда. Ҳамма жойда бўлгани ка-би Тошкент ноҳиясида ҳам устав ва ҳаракат дастурининг лойи-ҳаси атрофида муҳокама қилинмоқда. Шу мақсадда ноҳия партия қўмитасида коммунистларнинг тақлиф ва мулоҳазалари-нинг умумлаштирувчи марказ ташкил этилди. Марказга кела-ётган хат ва хабарлар, тақлиф ва мулоҳазалар коммунистлар-нинг бу масалаларга нисбатан, масъулият билан қарайётганлигини кўрсатади. Қўйида ноҳия коммунистларининг Ўзбекистон Ком-мунистик партияси устав лойиҳаси юзасидан тақлифлари, фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

МАҲАЛЛАЛАРДА ҲАМ
ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ
ТУЗИЛСИН

Шарқда «Қўн-қўнчи тинч бў-са — маҳалла тинч» деган гап бор. Маҳалла тинч бўлса, ноҳияда оқошхалқ ҳўқурор. Кейинги йилларда жумҳуриятимизнинг ай-рим жойларида нотинчлик юз бер-ди. Аммо Тошкент ноҳиясида бир бирдарига нисбатан янада меҳр-қолибати ва муруватли бўлиб қо-лишди. Бунинг сабаби аввало ма-ҳалла қўмиталарининг аҳоли би-лан мустаҳкам алоқада иш олиб бoрганлигидир. Райондаги 76 та маҳалла қўмитети ўз ҳудудидagi аҳолининг турмуш тарзи билан яхши таниш. Қийинчи нима иш билан шугулланаятганлиги, ғам-ташвиши, қизиқиши маҳалла фаол-ларининг доимий эътиборида, на-зоратида. Маҳаллалар тарғибот ишлари марказига айланди. На-тижада Навоий ноҳия, Оқулоб ноҳия, «Қизилқоғил», Расулбоб ва Олмазор маҳаллаларида жамият-ларнинг содир бўлишига чек қўйилди. Одамларнинг ўзлари иккун-дай равишда оқошхалқлиги таъ-минлаш учун навбатчилик қили-напти. Маҳаллалар фаолиятини

партия ташкилотларига энг муно-сиб қилишларни партия сафига қа-бул қилиш ваколатини бериш, ўз ҳисобидан турган коммунистлар-нинг ҳисоботини тинглаб бориш мақсадга мувофиқдир» деб тўлди-риш зарур. Шунингдек, устав ло-йиҳасининг 10-бандидаги «...Пар-тияга кирувчилар учун бошлан-ғич партия ташкилотининг тақли-фи бинаои бир йилгача синов муддатиди, шунингдек партия аъзо-ларидан иккун кишининг қабилиги-ни белгилаб қўйишнинг мумкин» деган банди қисман тақдир қи-либ, «...муносиб» деган сузни «за-рур» деган суз билан алмашти-ришнинг, партиявий ҳужжатнинг мо-ҳиятини ошириш тақлиф қила-ман. Шу ўринда Оқулоб ноҳия-ли колхоз уруш ва меҳнат ветер-анлари кенгашининг раиси, ма-ҳалламиз фаоли Пўлдош Гаффо-ровнинг тақлифини ҳам қиритиб ўтишни лозим деб топдим. Устав лойиҳасига бағишланган маҳалла фаолларининг йиғилишида у ўз тақлифини қуйидагича изох лади:

— Партия ташкилотларида иккун ёки уч кишининг қабилиги билан партия сафига қабул қилиш давом этапти. Партияга қабул қилинаёт-ган кишининг қандай хулқ-атвор-га эга эканлиги, ташкилотчилик қобилияти, жамият иши учун фи-дойлиги ўша кишининг ҳамкасб-лари қараганда маҳалладошларига кўпроқ маълум. Шунинг учун ус-тав лойиҳасининг 7-бандини «...партия аъзоларидан иккун ки-шининг ва маҳалла қўмиталари партия ташкилотлари ҳисобидан тура-диган коммунистлардан бир ки-шининг қабилигини белгилаб қўйиш зарур» деб тўлдиришни тақ-лиф қиламан, — деди Н. Гаффо-ров. Пўлдош ақанинг тақлифи бежиз эмас. Айрим одамлар иш жойида

жазлар нафақат коммунистлар, балки бутун жумҳурият меҳнаткашлари ҳаётида го-ят му-ҳим сиёсий воқеа эканлигини алоҳида таъ-кидлади. Улар партия асоси, бошланғич ташкилотларнинг жанговарлигини оширишга хизмат қилиши турган гап. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Компартияси мустақил жумҳу-рият сифатида ўз уставини ва ўз ҳаракат да-стурига эга бўлаётгани, қўлгина масалаларни Ўзе-бекистон ССЖгагина хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ҳал этаётганлиги қувончлидир. Ҳаракат дастури лойиҳасида қўнчиликчимизни тўқинлантириб турган масалалар — жумҳу-риятнинг иқтисодийини қандай қилиб қоло-қилдан олиб чиқиш, турмушини қай йўл билан яхшилаш, бозор муносабатлари шартинида нималарга асосланиб иш юритиш мумкин? — деган саволларга жавоб бор.

Мазкур ҳужжатнинг алоҳида қондалари ху-сусида турли хил фикрлар билдирилди. Унда ҳамма нарсаси пишди-пукта ўйланган, қиёмига етказилган фикрлар ҳам йўқ эмас. Устав лойиҳасини аниқ қиқсатиш, мунозарасини бир қадар аниқ ҳолга келтириш лозим. Ўзе-бекистон Компартияси Марказий органларининг

сиёсий, иқтисодий ва интимой соҳа йўқ. Партия таъсири билан нимага қамраб оли-нмаган?

Ишга мана шундай ёндашув ҳақида партия тез орада ҳамма соҳага ўз таъсирини қў-рғатишга уринаётган экан, дедик, энг аввало иқ-тисодий тангкининг пайдо бўлишида, турмуш даражаси тобора пастлаб бораётганида раҳбар бўғинларни эгаллаб турган коммунистлар айбдордирлар, деган фикр тўғрисида: Мазкур лойиҳа барча ҳаётини йирик масалаларни ҳал этишда турли даражадаги Советлар эмас, бал-ки фақат Коммунистик партия янама ягона раҳбар куч эканлигини яна бир бор таъкидла-япти.

Келинг, ҳужжатнинг алоҳида қондаларини синчиқлаб ўқийликда, уларни солиштириб қиқайлик. «Ўзбекистон ССЖнинг чинакам сиёсий мустақиллиги учун» деган бобида «Коммунистик партия кўп партиялик шартинида давлат ва хўжалик бошқаруви ор-ганларининг ўрнини босишдан ва ҳўқмонлик ваколатларидан воз кечади, халқ ҳокимияти-нинг таъсирчан органлари бўлиши Советлар-нинг мақсидини ошириш ва уларни мустаҳкам-лаш учун курашади» дейилади. Аммо бу қон-

дин деган жумлани умуман олиб таш-лашни тақлиф қилишди. Чўнқи бу талаб демократия ва ошқоралик талабларига зид келади. Коммуни-стик партия ташкилотларининг об-рўсини ошириш ва коммунистлар-нинг партия ташкилот олдидagi масъулиятини қўлайишга деб ҳис-облайман, — деди Э. Абдуллаев. Унинг гапида жон бор. Аттестация ўтказиш учун юқори партия ташки-лотларининг вакиллари иштирок этиб, ўзлари билмаган ҳолда аттес-тациядан ўтган коммунистлар-нинг иззат-нафисига тегадилар. Кейин-ги пайтда партия сафидан бевзирлар-нинг иккун кишини равишда чиқиб ке-ти-ришнинг сабабларини ҳам бе-ришнинг навбатда аттестация саволла-ридан излаш керак, деб ҳисоблайман. Чўнқи синовдан ўта олмаган ёки шартли равишда ўтган комму-нистлар қўнчилик ўртасида муҳока-ма қилинади, албатта бирор пар-тиявий чора олади. Шунинг учун мен ҳам колхоз партия комитетининг секретари сифатида коммунист Э. Абдуллаевнинг тақлифини қўллаб-қувватлайман.

Муҳокама давомиде коммунист-ларимиз ўзларининг аниқ тақлиф-ларини қиритишмоқда. 20-бригада бошлиғи, коммунист Баз Алтайбе-ков 26-бандидаги «Навбатдаги кон-ференциялар тегишли партия коми-тети томонидан 5 йилда бир марта қиқрилади» деган жумлани «Пар-тия конференциялари ҳар иккун йилда бир марта қиқрилади» деб ўзгариштириш лозим деб тақлиф қи-рипти. Унинг тақлифи бежиз эмас. Бўғунги кунимиз ўзгаришларга, янги-ликларга бой. Лозим топишган тақ-дирда коммунистларнинг хоҳиш-и-стаги билан фақулдодаги конферен-цияларини бир йилда бир марта қа-қирш мумкинлиги ҳам устав лоий-ҳасига қиритилс, мақсад янада ра-вшан бўларди.

Устав лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида коммунистларимиз лойиҳа-нинг V бобидagi 38-бандга баён қилинган «Советларда раҳбар пар-тия органларидан мустақил бўлган, лекин коммунистларнинг КПСС ёки Ўзбекистон Компартияси номидан қўйиладиган гуруҳлари ёки фрак-циялари тузилишига йўл қўйилмай

Эркин ҲҲЛОМОВ,
Тошкент ноҳиясидagi Навоий номида маҳалла қўмитасининг раиси, доцент.

СИНОВ УТКАЗИШ
ШАРТМИ?

Партком котиби сифатида шу са-волга кўп дам келаман. Ўзбекистон Коммунистик партияси уставининг лойиҳасини муҳокама қилиш жараё-нида ҳам бир неча марта ўртага ташланди. Хўжалигимиздаги 18-бригада чех партия ташкилотиде ўт-казилган муҳокамада коммунист Э. Абдуллаев устав лойиҳасининг 11-банди юзасидан ўз тақлифини билдирди. У «Белгиланган тартибда коммунистлар аттестациясини ўтқа-зиш мумкин» деган жумлани «Белги-ланган тартибда коммунистлар ҳисо-

Хўжалигимизда ўтказилган муҳо-камадан чоғида коммунистларимиз Ўзбекистон Компартияси уставининг лойиҳаси ҳам жихатдан катталашиб кетганлигини айтишди, лойиҳадagi V бобни олиб ташлаб, VIII бобни қиқсатиришни тақлиф этишди. Бир суз билан айтганда, мустақиллик са-ри дедик бораётган жумҳуриятимиз учун Ўзбекистон Компартиясининг уставини ва ҳаракат дастурининг қа-бул қилиниши иллий тарихимизда катта воқеа бўлиб қолади.

Абдулла СОАТОВ,
Тошкент ноҳиясидagi «Ўзбекистон ССЖ 50 йилгичи» колхоз партия комитетининг котиби.

Файзли кишилар СОИБ АКАНИНГ ЎНИНЧИ ФАРЗАНДИ

...Мастуранинг бешинчи фарзанди отир дара билан дунёга келди. У кўп кун йўлдан, Шифокорлар Мастуранинг ҳаётини тўғридан-тўғри қон қуйилгандагина саклаб қолиш мумкинлигини айтишди. Бухоро вилояти Навбахор ноҳияси марказий шифохонасининг қон қуйиш бўлими ходимлари тажрибали шифокор Мустафо Қобилов раҳбарлигида ишга киришди. Бироқ бўлимда Мастурага тўғри келадиган қон йўқ эди.

Соиб ана хонадонига ярим тузда қақирилмаган меҳмонлар келишди.

Кўп ўтмай оғир аҳволда ётган аёлга тўғридан-тўғри қон қуйилди. Инсон қон билан тирик. Бемор кўзини очди. Дераза ортда янгида кўзлари қизарган қариндош-уруғларнинг дилига равшанлик югурди. Мустафо Қобилов, Ҳошим Нурмухамедов, Нина Федорова, Сатор Өргашев, Светлана Юмаева, Өзбода Собирова бемор бошида кун-тун мижага қўқмади. Уларнинг ёлбоз-югуришлари беҳуда кетмади. Мастура ҳаётга қайтди. Унга рўзгор тебатиш, болаларнинг бошини силаш, лярба

меҳнат қилиш, энг муҳими яшаш бахти қайтарилди. Янгида ноҳиядаги «Гигиена» даялат хўжалигида истикомат қилувчи Мастура ва Рамазонлар хонадон тўйхонага айланди. Уй тўрида Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг бригадари Соиб Ҳаққулов ва унинг рафиқаси ўтирибди. Унга сўз берилди.

— Мен тўққиз нафар фарзанднинг отасиман. Мастура меннинг ўзини қизим бўлди, — деди у меҳр билан.

Инсон умрини капалакка қиёс қилишди. Бизга тириклик ниятидан жуда оз баҳраманд бўлиш nasib этган. Шундай экан, инсонлар ҳаётда бир-бирларига яхшилик қилишлари лозим. Бир-биримизга қанчалик меҳроқибатли бўлсак, — шифо қилсак, олам мунаввар, чекралар равшандир. Ишхонамизда, ҳамкасбларимиз ўртасида, маҳалла-куй, кўна-қўшниларимиз, яқин ора-дорларимиз орасида Соиб акага ўхшаган меҳроқибатли кишилар борлигини фазраймай, уларга таъзим қилмай бўладими?

Р. ҲАКИМОВА.

СПОРТ АХБОРОТИ

ДЗЮДО

Ёшлар ўртасидаги мамлакат биринчилиги няхосига етди. Унда шитроқ этган жумҳуриятимиз даъодчилари ўч олтин, битта кумуш ва бронза медалларини қўлга киритдилар. Команда ҳисобида «Динамо» марказий кенгаши спортчилари ғолиб чиқдилар. Бу ютуққа Ўзбекистон вакиллари мусобиқасида қўшди. 88 килограммга вазида тошкентлик А. Багдашов ўзини кўрсатиб, тўртта беллашувнинг барчасида соф талабага эришди. Армен финалда қозонгистонлик Шокимовни мағлубиятга учратди.

95 килограммдан юқори вазнда М. Васильев ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилди. У ҳал қилувчи беллашувда Р. Өргашевдан устун келди. Ҳаттичи ўрин А. Герасимовга теги.

КУРАШ

Душанбеда эркин кураш бўйича мамлакат кубоги учун беллашувлар бўлиб ўтди. Аввалида командалар икки гуруҳга бўлинган ҳолда кураш олиб бордилар. Сўнг-ра ғолиблар ўзаро куч си-нашдилар. Ҳал қилувчи учрашувда тожикистонликларнинг енгган москваликлар команда ҳисобида ғолиб чиқдилар. Натижада пойтахт-ликлар бош совринни қўлга киритдилар. Қирғизистон

полковларнинг 10:5 ҳисобида мағлубиятга учратган ўзбекистонликлар учинчи ўринни эгаллашди.

ШАШКА

Халқаро шашка бўйича жаҳон биринчилиги якунланди. Юксак унвон соҳиби ижевский Алексей Чиков яна ўзини кўрсатиб, олтин медални қўлга киритди. Голландиялик Тони Сембрандс иккинчи, ригалик Гунтис Валнерс учинчи ўринни эгаллашди.

ФУТБОЛ

Мамлакатимизнинг иккинчи терма командаси Эрон бўйлаб сафарни муваффақият-ли билан бошлади. Футболчиларимиз илк учрашувда «Эстекаль» клубини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

ВОЛЕЙБОЛ

Ленинграднинг ТТУ командаси волейболчи қизлари кубок эгалари кубоги учун биринчи чорак финал учрашувда зафар қучдилар. Бунда улар Афинанинг «Ионикос» клубини 3:1 ҳисобида енгдилар.

ХОККЕЙ

Мамлакат биринчилигининг олий поғонасига бир учрашув ўтказилди. Пеша-дамлар сафига бораётган Москва спортчилари Усть-Каменогорскда маҳаллий «Торпедо» командасига 1:2 ҳисобида ютқаздилар.

ЕР ҚИМИРЛАДИ

ФРУНЗЕ. 2 декабрь. (ТАСС мухбири). 1 декабрь кунги Москва вақти билан соат 21 дан 10 минут ўтганда Қирғизистон жанубида икки кун илгари бўлагидек яна ер қимирлади. Бу гал кун 6 балла етган эл-ла маркази Ўзган шаҳридан 20 километр шарқда ва Ўзқалобод шаҳридан 45 ки-

лометр жануби-шарқда бўлди. Бу шаҳарларда энди-ланинг кучи 6 ва 5 балла етди, вилоят маркази — Ўш шаҳрида эса 4 балл бўлди. Фрунзеда енгил силкиниш сезилди.

Дастлабки маълумотларга кўра қурбонлар ва вайрон-гарчиликлар бўлмаган.



ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

Қадимий Бухорода ал Бухорий номи билан аталадиган ижодкорлигини ривож-лантириш ва меҳр-муруват фондига ташкил қилинди. Фонднинг мақсади ёшларнинг иқидий ташаббусия ривожлантириш ва муҳтож-ларга ёрдам беришдир. Ўш-бу фонднинг таъсис этганлар орасида «Навоизот» ишлаб-чиқариш бирлашмаси, «Бу-хоро» ташкилотидий адо-қалар уюшмаси, бошқа кў-гина корхоналар ва жамоат ташкилотлари бор.

Фондга ўтмиш мутафак-кири ал Бухорийнинг номи берилган. Бу аломат асли бухоролик бўлиб, у исте-додли ва муҳтож кишиларга ҳоимийлик қилгани билан машҳур бўлган.

Фонд аъзолари ёш исте-додларга ёрдам бериш ва уларни қўллаб-қувватлаш,

қобилиятли болалар учун мақтаблар ташкил қилишга, ёшлар ташаббуси ва ижод-корлигини ривожлантириш-га ёрдам бериш ниятида-дирлар.

Янги жамоат ташкилоти фаолияти доирасига муҳтож-лар—пенсияерлар, ногирон-лар, етим-есирлар, кўп бо-лалли оилаларга иқидий ёрдам бериш ва уларни ҳим-ола қилиш кирди. Оғир аҳ-волга тушиб қолган киши-ларга моддий ёрдам бериш-га қолмай, шу билан бирга уларни иқидий-руҳ-ий яхшидан ҳаётга қайта-риш ҳам кўзда тутилди. Хайрия фонди мўлкалланган мақсадларни амалга ошириш учун фанат иқидий хайр-ахсонлардан фойдаланмайди. Фаоллар маблагнинг аксар қисмини ўзлари ишлаб то-пишни, бунинг учун ўз кор-

ТАБАРРУК УСТУН

Кўхна Хиванинг Ичан-қалъа музей-қўриқхонаси таъриф ва тавсифи бутун дунёга машҳур. Унинг тарихий обидалари ҳақидаги ҳикоя ва ривоятлар кўпчили-ни қизиқтириши табиий. Қадимий Жумъа масжиди пе-шайвонини беаза турган ўй-ма нақшли устунларнинг со-ни 200 тадан зиёддир. Хи-ва тарихини яхши биладиган мутахассис, сайрбон Собир-жон Юсуповнинг айтишига қараганда, нодир устунлар-дан бири булдан 700 йил муқаддам Ҳиндистондан кел-тирилган экан.

Мана шу мулки ҳинд нақ-шини тўғрисида ажойиб бир афсона бор: Ҳиндистон ҳукм-дори Рой Ранай Чунжа Хо-разм шоҳи ва хивалик маш-ҳур полвон, ҳунарманд ҳам-да шоир Паҳлавон Маҳмуд-ни тўғта тақдир қилади. Ҳинд дёрида бўлиб ўтган кураш баҳсида Паҳлавон Маҳмуд ер юзининг турли мамлакатларидан келган ра-қибларини енгади.

Ҳиндистон ҳукмдори га-лаба шарафига ва Хоразм шоҳига ҳамда бутун элига чуқур аҳтироми белгиси си-фатида қўлдан-қўл қиммат-баҳо совғалар ҳадя қилади, улар орасида гоёт қиммат

турадиган ўйма нақшли ус-тун ҳам бор эди. Ривоятлар-га кўра, Паҳлавон Маҳмуд бу устунни ўзбек ва ҳинд халқлари дўстлигининг ра-ми сифатида Жумъа масжи-дига ўрнатган экан.

Орадан неча-неча асрлар ўтди. Бир вақтлар даҳрий-га чиқарилган Паҳлавон Маҳмуднинг шаъни тиклан-ди. Унинг рубойлари халқ мулкига айланди. Нодир ус-тун эса унинг яна бир фа-зилати — кураги ерга те-маган паҳлавонлигини эсла-тиб турибди.

Сўнгги ўғтиз-қирғ йил ичида ўзбек ва ҳинд халқ-ларининг дўстлиги янада мустаҳкамланди. Ҳамкор-ликдаги маданий тадбирлар, кинофильмлар яратиш, санъ-аткорларнинг ўзаро алоқа-лари бунинг ёрқин дадил-дир.

СУРАТДА: Гурлан районда-ги «Аму-Танг» фольклор-этно-график ансамблининг қатна-шчиси, ҳинд қўшиқлари ва рақсларининг моҳир икромчиси Роза Бобожинова дўстлик ра-мзи — нодир устун ёнида.

Қ. ОТАЕВ олган сурат.

ҲОЖАТБАРОРЛИК

Моддий ишлаб чиқариш би-лан шугулланмайдиган ташки-лот қандай қилиб пул билан топниш мумкин? Хоразм ви-лоят партия қўмитасининг хо-димлари бу саволга жавобни ўз автобазаларидан топиди.

Ҳозирга қадар вилоят коми-тетига қарашли «Волганнинг энг янги моделлари», «Чайка-лар, серхашма автобус фақат қўмита ходимларига ва бу ер-га келадиган бошқиларга хиз-мат қиларди. Қолган бутун вақт мобайнида машиналар ҳам, уларнинг ҳайдовчилари ҳам беш қоларди.

Энди вилоят қўмитасининг автохўжалиги ҳузурида аҳоли-нинг хилма-хил буюртмаларини бажаредиган «Хизмат» фир-маси ташкил этилди. Масалан, «Чайка» тўй маросимларида хизмат қилади. Вилоят қўми-тасининг автобусида эса энди бутун жамоа билан шаҳар ташқарисига чиқиш мумкин. Машиналардан фойдаланилган ҳар бир соат учун атиги 10—15 сўм олинад.

— Йил бошидан буён биз-нинг кассамизга 15 минг сўм тушди, — дейди вилоят пар-тия қўмитаси ишлар бошқар-масининг бош бухгалтери Л. Б. Бурҷева, — Бу маблаг мутта-сил қўлайиб борапти. Биз ҳам мамнун, микроэкономик ҳам курсдан. Лекин шу билан бир-га ташвишлар ҳам пайдо бўл-ди. Техникани авайлаш керак. Бундан буён машиналар вило-ят қўмитасига илгаригидек тез-тез берилвермайди. Ик-кинчи томондан, бизда нисҳат машиналарни сошлаш ва улар-га техник хизмат кўрсатиш учун маблаг пайдо бўлди.

Ю. ИБРОҲИМОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Муҳаррир вазифасини бажарувчи
Н. ЕҚУБОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СССР ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИ

ЯНА ССЖИ ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИНИНГ
ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ ҲАҚИДА

Давлат фозисиз заёми облигацияларнинг Жамғарма-лар банкнинг бора бўлимларидаги ва ҳусусан уларнинг филиалларидаги эркин савдоси давом этмоқда.

Қуйидаги молларни сотиб олиш учун мўлжалланган фо-изсиз заёми облигациялари савдода мавжуд:

2 ВА 3 БЎЛМАЛИ «ЗИЛ», «БИРЮСА», «МИНСК» ХОЛОДИЛЬНИКЛАРИ, ГИГУВ МАШИНАЛАРИ, «ВЯТКА» КИР ЮВИШ МАШИНАЛАРИ, «СВИ» ПЕЧ-КАЛАРИ, ИХЧАМ ТРАКТОРЛАР, ВИДЕОМАГНИТО-ФОНЛАР, 4-АВЛОД ТЕЛЕВИЗОРЛАРИ, РЭЗГОР КОМПЬЮТЕРЛАРИ, АРАВАЧАЛИ МОТОЦИКЛЛАР. «ССЖИ давлат мақсадли фозисиз заёмлари ва давлат ха-зина мажбуриятларини чиқариш шартларини ўзгартириш тўғрисида» 1990 йил 7 июлдаги 653-сонли қарорга би-ноан, облигацияга мол олиш пайтига келиб (автомобил-ларни истисно қилганда) унинг нархи облигация қийма-тидан ошиб кетган бўлса, унинг эгаси молни облигацияда кўрсатилган нархда сотиб олади, бирмунча арзон мол хар-ид қилинганда эса облигация қиймати билан молнинг баҳоси ўртасидаги тафовутни дўкон кассасидан олади.

ССЖИнинг давлат ҳазина мажбуриятларининг эгалари манфаатларини ҳимоя қилиши таъминлаш мақсадида, юқоридаги қарорга мувофиқ, ҳазина мажбуриятларини сақ-лаш мўддати 16 йилдан 3 йилгача қисқартрилган ва улар бўйича тўланадиган даромад миқдори йилга 5 фоздан 10 фозгача кўпайтирилган.

ССЖИ давлат ҳазина мажбуриятлари 1990 йилдан бош-лаб 60, 100, 500, 1000 сўм қийматига чиқарилган. ССЖИ давлат ҳазина мажбуриятларининг баҳоси ҳар ойда ўза-риб туради ҳамда мажбуриятнинг ҳақиқий қиймати ва ҳар йилги 10 фозлиқ даромад миқдоридан ҳисоблаб чиқари-ладиган курс қийматидан ҳосил бўлади.

Ҳазина мажбуриятларини сотишда январь ойи имтиёзли ҳисобланади, яъни мажбуриятлар ҳақиқий қиймат бўйича сотилади, курс қиймати олинмайди.

Ҳазина мажбуриятлари аҳолига эркин сотилади, зар-ур ҳолларда эса ССЖИ Жамғармалар банкнинг барча муассасалари бундай мажбуриятлари аҳолидан сотиб олинади. Ҳазина мажбуриятлари пуллари сақлашнинг қў-лай ва фойдали йўлидир.

Хурматли ССЖИ Жамғармалар банкнинг қимматли қоғозларини сақловчи фуқаролар! Жумҳурият жамғарма-лар банкнинг исталган бир муассасасида ўзингизни қи-яштираган барча масалалар бўйича зарур маслаҳатларни олишингиз мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТ ЖАМҒАРМАЛАР
БАНКИ.

Ўзбекистон маданият вазирлиги
М. ҚОРИЕҚУБОВ номли ЎЗБЕК ДАВЛАТ
ФИЛАРМОНИЯСИ
В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ
ДЎСТЛИГИ САРОИДА
14 ДЕКАБРЬ СОАТ 17.00 ВА 19.30 ДА
НУРИДДИН ҲАЙДАРОВНИНГ

КУЙ ВА ҚЎШИҚ БАЗМИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССЖДа хизмат кўрсатган артист
ДИЛМУРОД ИСЛОМОВ

артистлар: Моҳичеҳра ИСЛОМОВА, Раъно ЗО-КIROVA, Муҳтарам ҚОРАТОВА.

Дастурин — Уткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Патталар сарой кассаларида соат 11.00 дан бош-лаб сотилади.

Ойнаи жаҳонда

5 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАБВА

- ҲАТТ I
- 11.25 Кўрсатувлар тартиби.
11.30 Биология.
12.00 «Шифобахш суварлар водий-си», «Ток новдаси». Телефильм-лар.
12.30 Кимё. VI гуруҳ элементла-ри.
13.00 «Революция ваколати би-лан». Бадий фильм. 1-серия («Ўзбекистон»).
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Англияликлар.
18.10 «Сирли қулф». Мултифильм.
18.30 Болалар учун. «Қуноқлар даврасида».
19.00 «Инсон ва қонуни» туркуми-дам. «Прокторори ким ҳимоя қилади».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Қадрият».
20.20 Тижорат хабарлари.
20.30 «Ахборот».
- 20.50 Жумҳуриятда хизмат кўр-сатган артист, бастакор Қаҳра-мон Комиллов.
21.30 Москва. «Время».
22.00 Ўзбекистон халқ артисти С. Ҳўжавнинг 80 йиллигига. «Иқидий портрет».
22.55 «Бўзоқ йили». Бадий фильм (А. Довжанко номли киносту-дия).
00.15 Эртанги кўрсатувлар тарти-би.
- ҲАТТ II
- 19.00 Кўрсатувлар тартиби.
19.05 «Ҳар бир уй учун».
19.35 «Дар тазоқоси билан» (рус тилида).
20.00 «Тошкент» хабарлари.
20.10 «Санъат рекламаси». Тош-кентда тижорат бўйича халқа-ро анжуман.
21.10 «Театр — меннинг ишим». Телефильм.
ДУШАНБЕ КУРСАТАДИ:

- 21.30 Москва. «Время».
22.00 «Ҳаёти дехот».
22.40 «Владимир Висоцкий». Ба-дий фильм (рус тилида).
- МТ I
- 7.00 «120 минут».
9.05 «Омега» варианты. Беш се-рияли телевизион бадий фильм. 3-серия.
10.20 Мултифильмлар: «Айиқча қачон уйқудан туради», «Сирли йўқолиш».
10.45 Хоккей. ССЖИ чемпионати. «Спартак» — «Динамо» (Мос-ква). 2 ва 3-даврлар.
12.05 «Бу бўлган... бўлганди...».
12.25 «Никобини очиб қара». Уч серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия.
13.00 «Время».
13.40 Хоккей. Уртоклик учрашуви. «Лос-Анжелес-Кингз» — «Хи-мик». 2 ва 3-даврлар. АҚШдан кўрсатилади.
- МТ II
- 16.00 «Бир варақ оқ қоғоз». Те-левизион ҳужжатли фильм (Пермь).
16.30 «Мусикья ҳазина». Я. Сибе-лиус. Скрипка ва оркестр ик-роси учун концерт.
17.05 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
«Юлейсрадио» (Финляндия) компанияси МТ экранда
18.05 «6-километрда концерт». Ҳужжатли фильм премьераси.
18.30 «Калевала». Мултифильм премьераси. 5 ва 6-сериялар.
8.50 «Ер — она саканамиз». Фо-токонкурс.
18.55 «Резонанс». «Европа кела-макда: олий даражадаги учра-шувадан сўнг».
19.55 М. Мусоргский. «Лисия го-рада туна».
20.10 «Омега» варианты. Беш се-рияли телевизион бадий фильм. 4-серия.
21.30 «Время».
22.00 Коллаж.
«Юлейсрадио» (Финляндия) компанияси МТ экранда
22.05 «Никобини очиб қара». Уч серияли телевизион бадий

- фильм. 2-серия.
22.40 «Озови мен учун...». Теле-визион ҳужжатли фильм пре-мьераси. А. Ахматова шеърла-ри асосида композиция.
23.40 «ВИД» таништирад: «Вик-тор Цой хотираси».
01.10 «ТЧН».
- МТ II
- 9.00 Эрталабки бадантарбия маш-қлари.
Уқув программаси
9.15 «Табнат сирлари». Илмий-оммабоп аламанак.
9.35, 10.35 Физика. 9-синф. Вези-скалик ва ортқича юк.
10.05 Немис тили. 1-йил шугулла-наётганлар учун.
11.05 Немис тили. 2-йил шугулла-наётганлар учун.
11.35, 12.35 Умумий биология. 10-синф. Эволюциянинг асосий йўналишлари.
12.05 «Библиофика». 8-кўрсатув.
13.05 «Ялта-91».
13.15 «Манеждан манежгача». Э.

- Мултифильм.
19.55 Тинч океан қирғоқларининг экологик муаммолари ҳақида телевизион ҳужжатли фильм (Петропавловск-Камчатск).
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Хрошанинг чўр-тан бағири».
20.45 А. Баркин ўз қўшиқларини ижро этади.
21.15 «Муҳандислар қасри». Теле-фильм.
21.25 «Сохта дехот портрети». Кишолда ҳўжайинлик ҳисини қайтадан тиклаш ҳақида.
21.45 Студиямизда Андрей Грин-чук ва Людмила Берлинская. Р. Шуман. «Алжб манзаралар».
22.00 «Дехонинг ёшлиги». Бадий фильм («Ўзбекистон»).
23.25 «Тотли лоҳзалар». Фильм-концерт.
24.00 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида.
01.00 Хоккей. Уртоклик учрашу-лари. «Лос-Анжелес Кингз» — «Химки». 2 ва 3-даврлар. АҚШ-дан кўрсатилади.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» — «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»

Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана Выходит на узбекском и русском языках.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Дехқончилик бўлими — 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 33-54-33. 32-56-36, Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Ҳатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлими — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.